



“ТАСДИКЛАЙМАН”
“Куйлик дехкон бозори” АЖ директори
А.А.Кувандиков
“19” ноябр 2021 йил

Бектемир тумани хокимияти, Алимбек жомеи масжиди, «Куйлик дехкон бозори» АЖнинг рахбарияти, “Хотин – кизлар кумитаси” “Хавфсизлик” булими, “Савдони тартибга келтириш ва назорат килиш”, “Савдони ташкил этиш ва ижара ишлари”, “Хизмат курсатиш” ва Маънавий/маърифат булимлари ҳамкорлигидаги
мажлис
БАЁННОМАСИ № 31

“19” ноябр 2021 йил

Тошкент шаҳри

Мажлис раиси:

Жамият директори

А.А.Кувандиков

Мажлис катнашчилари:

Бектемир тумани Алимбек жомеи масжиди
имом хатиби ноиби

Н.Норматов

Жамият директорининг хавфсизлик бўйича
уринбосари

К.Нармирзаев

Жамиятнинг маънавий/маърифий ишлар
инспектори

Н.Касимова

Хизмат курсатиш булими бошлиги

М.Хусанов

Савдони тартибга келтириш

ва назорат килиш булими бошлиги

А.Рахматов

Тозалик булими мутахассиси

М.Забарина

Мажлис иштирокчилари:

Жамиятнинг ходимлари жаъми: 32 та киши

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятда “Ноконуний савдо, тарозидан уриб қолиш, сифатсиз маҳсулот сотиш – тадбиркорнинг ҳалол даромад топишга миллий урф – одатларимиз ва маданиятимизга салбий таъсир этувчи иллатлар” мавзусида тадбиркор ва сотувчилар иштирокида мутасадди идора маъсул ходимларни жалб қилган ҳолда семенар йиғилишлар утказиш, тарғибот – ташвиқот ишларини олиб бориш
2. Бозор жамиятларида харидор ва сотувчиларнинг муносабати, савдо маданияти, савдо тартиб – қоидаларини бузиш ва белгиланмаган жойларда савдо учун жавобгарлик, ҳамда унинг оқибатлари ҳақида тушунтириш – тарғибот ишларини олиб бориш

Мажлисни жамият директори А.А.Кувандиков очиб, барчани кун тартибидаги масалалар билан батафсил таништириб утди. Жумладан, бозор

худудида харидор ва сотувчиларнинг муносабати, савдо маданияти, савдо тартиб – қоидаларини бузиш ва белгиланмаган жойларда савдо учун жавобгарлик, ҳамда унинг оқибатлари ҳақида гапириб, тадбиркор ва сотувчиларни тартиб интизомга тулик риоя этишга жалб этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2021 йил 15 ноябрдан – 15 декабрга қадар ёнгин хавфсизлиги ойлиги муносабати билан барчани бозор ҳудудида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тулик риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб борди.

Мажлис давомида Бектемир тумани Алимбек жомеи масжиди имом хатиб ноиби Н.Норматов сузга чиқиб, ноқонуний савдо, тарозидан уриб қолиш, сифатсиз маҳсулот сотиш – тадбиркорнинг ҳалол даромад топишга миллий урф – одатларимиз ва маданиятимизга салбий таъсир этувчи иллатлар ҳақида гапириб тадбиркор ва сотувчиларни имон ва инсофга қорлади. Шунингдек, ҳалоллик ва ҳалол даромад тугрисида, фақат барака ҳалолликда бўлиши юзасидан муқаддас китоб ва ҳадислардан бир қатор мисоллар келтириб мажлис иштирокчиларини ҳалол савдо қилишга жалб қилди. Аввал қилинган ҳатоликларни кейин йиллар утиб кетгандан сунг тугирлаш, харидорнинг розилигини топа олишнинг имкони йўқлиги, вақт утиб кетгандан сунг афсус ва надоматлар қилишдан ҳеч қандай наф йўқлиги, харидорга ҳалол савдо қилиб рози - ризолигини ўз вақтида ва жойида олиш ута муимлиги ҳақида гапирди.

Мажлис якунида жамият директорининг хавфсизлик бўйича уринбосари К.Нармирзаев сузга чиқиб, ўзбек халқининг тарихий анъаналари, хусусиятлари, миллий онг ва турмуш тарзининг ҳаётий тамойилларига асосланган ҳолда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамоатчиликнинг таъсир қувватини жамият ахлоқий – маънавий ҳаётининг мезонига айлантириш, миллий анъаналар, ғуқароларнинг маданиятини ошириш ва миллий минталитетимизга содиқлик, аждодларга бўлган тўйгуларни ривожлантириш, тош тарозиларнинг ҳалоллиги, харидорга сифатли хизмат қурсатиш мавзуларида бозор ҳудудида тадбиркор ва сотувчиларга мунтазам равишда давра суҳбатларини ташкил этиш, тарғибот – ташвиқот ишларини олиб бориш таклифини билдириб мажлисни якунлади. Қўн тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама этилиб, мажлис

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ:

1. Жамият ҳудудида ҳалол савдо фаолиятини олиб боришга барчани жалб этиш
2. Бозор ҳудудига келган харидорларга сифатли хизмат қурсатиш, савдо маданиятига тулик риоя этиш юзасидан мунтазам равишда давра суҳбатларини ташкил этиш

Маънавий/маърифий ишлар инспектори



Н.Қасимова